

«**16** » **08** 2022 йил

Тошкент шахри

«COLIBRI GROUP» ХК бундан бўён «Ижрочи» деб аталувчи, раҳбари **А.Рахматиллаев**, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Сирдарё вилояти божхона бошкармаси, бундан бўён «Буюртмачи» деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

### 1.Шартноманинг предмети

1.1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2.Ижрочи кейинги ўринларда “Хизматлар” деб аталадиган куйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

№	Амалга ошириладиган ишлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий нархи
1	PLC F2-08DA-2 модулини алмаштириш (Замена модуля PLC F2-08DA-2)	Хизмат	1	19 000 000	19 000 000
2	«GUN TAB SWITCH» блокини алмаштириш (Замена блока «GUN TAB SWITCH».)	Хизмат	1	121 200 000	121 200 000
3	Рентген тезлассибининг совутиш тизимининг контакторларини алмаштириш (замена контакторов переключение режимов системе охлаждение ускорителя рентгеновских излучений)	Хизмат	5	1 100 000	5 500 000
4	RAPISCAN M60 юк автомобилларини Текшириш тизимида гидравлик мойини алмаштириш (замена гидравлического масло стрелы)	Хизмат	70	90 000	6 300 000
Жами:					152 000 000

1.3. Шартноманинг умумий суммаси **152 000 000 (Бир юз эллик икки миллион )** сўмни ташкил килади.

1.4. Ижрочи Хизматларнинг қиймати нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, Буюртмачини олдиндан хабардор килиб, Хизматларнинг ўзгарган нархини асослаган ҳолда ҳақ олади.

1.5. Нархлар ўзгарган ҳолларда шартномага қўшимча келишувлар асосида тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида амалга оширади.

1.6. Хизматлар кўрсатиш тартиби ушбу шартноманинг 2.1.-бандига асосан пул маблағлари Ижрочининг хисоб ракамига ўтказилгандан сўнг, 3 (уч) банк иш қунида бажарилиши шарт.

1.7. Ижрочи Хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни муддатидан олдин бажариш хукуқига эга.

1.8. Хизматлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб хисобланади.

### 2.Хисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Буюртмачи кўрсатилган Хизматлар тўлиқ қийматининг 30 %и микдорида 5 банк қуни ичida олдиндан тўловни амалга оширади. Қолган 70% толов 15 банк қунида ичida хизмат тулиқ курсатилгандан сунг бажарилган ишлар далолатномаси (хисоб-фактура) асосида тулаб берилади.

2.2. Кўрсатилган Хизматлар учун ҳақ тўлаш (хисоб-китоб қилиш шакли) пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 2.1.-банди талаблари бажарилмаган тақдирда Ижрочи шартномада кўрсатилган Хизматларни бажармаслик хукуқига эга бўлади.

2.4. Ижрочи томонидан Хизматлар ўз вақтида бажарилмаса, бунинг натижасида иккинчи томон жиддий зарар кўрса, бир томонлами шартномани бекор қилишга асос бўлади.

### 3.Томонларнинг хукуқлари

#### Буюртмачининг хукуқлари:

3.1. Ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртманомага биноан тегишли сифатдаги Хизматларни бажаришни ҳамда шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибида ва лозим даражада бажарилишини Ижроидан талаб қилишга;

3.2. Лозим сифатга мувофиқ бўлмаган Хизматлар бажарилганда Буюртмачи ўз хошишига кўра:

- лозим сифатда бажарилиши керак бўлган Хизматларни Ижрочи ўз хисобидан қайта бажаришни;
- нархларнинг мутаносиб равишда камайтирилишини талаб қилишга;
- лозим сифатга мувофиқ бўлмаган кўрсатилган Хизматларни қабул қилишни рад этишга;

3.3. Ижроидан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### Ижрочининг хукуқлари:

3.4. Буюртмачидан бажарилган Хизматлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибида узил-кесил хисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилишга;

3.5. Шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ бажарилган Хизматларни қабул қилишини асосиз рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни Буюртмачидан талаб қилишга;

3.6. Шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибида ва лозим даражада бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

### 4.Томонларнинг мажбуриятлари

#### Ижрочининг мажбуриятлари:

4.1. Конун хужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларининг ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

4.2. Бажарилиши керак бўлган Хизматларни лозим бўлган сифатда бажаришни таъминлаш;

4.3. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.6.-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ хажмда кўрсатиш;4.4. Агар Ижрочи Хизматлар кўрсатиш жараённида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чикишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига асосан барча аникланган камчиликларни 30 кун ичida текинга бартараф этиш;

4.5. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

## **Буортмачининг мажбуриятлари:**

- 4.6. Буортмачи Хизмат кўрсатиш жараённига салбий таъсир қиласидан ҳолатлар тўғрисида Ижрочини олдиндан хабардор килиш;
- 4.7. Хизматларни қабул килиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 15 кун ичидаги мазкур шартноманинг 1.3.— бандида кўрсатилган баҳо бўйича Хизматларга ҳақ тўлаш;
- 4.8. Шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариши шарт.

## **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

- 5.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва 29.08.1998 йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги Конунининг 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.
- 5.2. Тўловлар муддати кечикирилганда, Буортмачи кечикирилган ҳар бир кун учун тўлови кечикирилган сумманинг 0,4 % и миқдорида, лекин шартнома умумий суммасининг 40% идан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.
- 5.3. Хизматлар бажарилиш муддатини кечикирганлиги учун Ижрочи кечикирилган ҳар бир кун учун кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 0,5 % и миқдорида, лекин шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.
- 5.4. Буортмачи томонидан Хизматлар кўрсатилиш жараёнида содир этилган конун бузилиш ҳоллари учун Ижрочи мажбурият олмайди.
- 5.5. Шартноманинг амал килиш муддати тугаши тарафларни шартларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.
- 5.6. Шартномани бажаришдан (шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари) бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзgartириш киритишга йўл қўйилмайди.
- 5.7. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

## **6. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

- 6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.
- 6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф қилиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг, уларни иктисадий судида кўриб чикишга топширадилар.

## **7. Кўшимчалар ва ўзgartиришлар киритиш тартиби**

- 7.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва кўшимчалар конуний кучга эга бўлади. Ўзгариш ва кўшимчалар шартномага илова килинган ҳолда икки томоннинг муҳр ҳамда имзолари билан тасдиқланади.
- 7.2. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиб тўғрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, вайда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни божхона ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йул қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.
- 7.3 Агар шартнома бўйича бир тараф божхона ходимиning ахлокка тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукукбузарлик содир этишга мажбурашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу хақда қуидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор килиши керак: "1108" ишонч телефoni;  
ДБКнинг ижтимоий тармоқдаги сахифалари орқали;  
ДБКнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

## **8. Форс-мажор ҳолати**

- 8.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини файритабиий ҳолатлар: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий оғатлар сабабли бажара олмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки кисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

## **9. Якуний қоидалар**

- 9.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва "31" декабр 2022 йилгача амал қиласди.
- 9.2. Мазкур шартнома \_\_\_\_ нусхада тузилган бўлиб, тарафлар учун тенг кунга эга камга банк хисоб скитобларини амалга оширишга асос бўлиб хизмат қиласди.

## **10. Томонларнинг юридик манзиллари**

«Ижрочи»

Номи: «COLIBRI GROUP» XҚ

Манзил: Чилонзор т-н, 1-6 уй

P/C: 2020 8000 6006 9701 8001

Банк: ХАТБ “DAVR-BANK”

Чилонзор филиали

МФО: 01046

ИНН: 304 445 424



Директор:

M.Y.

Рахматиллаев А.Х.



Рахбар

M.Y.

«Буортмачи»

SIRDARYO VILYOATI BOJXONA

BOSHQARMASI

Gulistan shahri, Qayxun kuchasi, 22-uy

Тел. (0367) 227-89-08 факс (0367) 227-89-45

X/P: Н/Г: 2340 4000 9002 0927 3327

Банкнинг номи ТОШКЕНТ ш.

АТ "АЛОКАБАНК" БОШ ОФИСИ

ИНН: 200322979 МФО: 00401

Н/Г: 2020 3000 2002 0927 3001

Н/Г: 2020 3000 1002 0927 3006

Н/Г: 2020 3000 6002 0927 3003

МФО: 00401 ИНН: 200 322 979

AT «Aloqabank» Amaniyat boshqarmasi

OP. № 161208